



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 27 » декабрь

№ ПҚ–391

2030 йилга қадар темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Йўловчиларни шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва вилоятлараро йўналишларда темир йўл транспортида ташиш улушини ошириш, аҳолига хавфсиз транспорт хизматлари кўрсатилишини таъминлаш, республиканинг барча ҳудудларини юқори тезликда ҳаракатланувчи ва тезюрар электропоездлар қатнови билан қамраб олиш ҳамда темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятининг келгусидаги истиқболларини белгилаб бериш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар ва истиқболли кўрсаткичлар

1. Мазкур қарорнинг асосий мақсади этиб 2030 йилгача темир йўл транспортида маҳаллий йўналишларда йиллик **йўловчи ташиш кўрсаткичини 10,5 млн нафардан 23,5 млн нафарга**, электропоездлар қатнови ташкил этилган **йўналишлар сонини 40 тадан 53 тага етказиш** белгилансин.
2. Қуйидагилар:
 - (а) 2026–2030 йилларда темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;**
 - (б) 2026–2030 йилларда маҳаллий йўналишларда **электропоездлар ҳаракати амалга ошириладиган йўналишлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;**
 - (в) 2026–2030 йилларда темир йўл транспортида **йўловчи ташиш инфратузилмасини ривожлантириш ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

II. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш инфратузилмасини яхшилаш

3. Қуйидагилар темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш бўйича Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:
- (а) мазкур қарорнинг 1–3-иловаларида белгиланган мақсадлар ва истиқболли кўрсаткичларга сўзсиз эришилиши, инфратузилмани ривожлантириш ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастури бажарилишини таъминлаш;
 - (б) узунлиги 465 км бўлган ва электрлаштириш ишлари якунланган “Бухоро–Хива” темир йўл линияси орқали 2026 йилдан бошлаб **Тошкент–Урганч–Хива** йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини ташкил этиш;
 - (в) узунлиги 196 км бўлган “**Мискин–Нукус**” темир йўлини электрлаштириш ишларини 2026 йил якунига қадар тугатиб, ушбу йўналишларда юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини ташкил этиш;
 - (г) **Ангрен-Поп** ҳамда **Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон** темир йўл участкаларини модернизация қилган ҳолда 2030 йилгача **Андижон, Наманган, Фарғона** ва **Сурхондарё** вилоятларига тезюрар электропоездлар қатновларини йўлга қўйиш;
 - (д) 2030 йилгача **6 та** юқори тезликда ҳаракатланувчи, **8 та** тезюрар ва **20 та** замонавий электропоездлар, **2 та** йўловчи тепловоз, **10 та** электровоз, **200 та** йўловчи вагонлари ва **50 та** манёвр локомотивларини харид қилиш ҳисобига ҳаракат таркибини янгилаш. Бунда биринчи босқичда энергия самарадорлиги юқори бўлган замонавий ва паст полли **4 та** тезюрар ва **10 та** электропоездни харид қилиш ва қолган **4 та** тезюрар ва **10 та** электропоездни аҳолига қулайлиги юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда харид қилиш.
4. Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошкент метрополитени” ДУК ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **2026 йил якунига қадар:**
- (а) Тошкент шаҳрига **Тошкент агломерацияси ҳудудларидан кириб келадиган электропоездларни жамоат транспорти билан интеграция қилувчи транспорт боғламалари** яратилишини, шу жумладан, камида 3 та метро бекатлари яқинида темир йўл бекатлари ишга туширилишини таъминласин;

- (б) Нукус шаҳри ва вилоят марказларига кириб келувчи йўловчилар оқимини ўрганиб, шаҳар атрофи йўналишларида ҳаракатланувчи **электropоездларни жамоат транспорти билан интеграция қилувчи транспорт боғламаларини** ишга тушириш чораларини кўрсин;
- (в) амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.
5. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Транспорт вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 июлга қадар** “Нурафшон–Пискент–Бўка–Янгиер йўналишида янги темир йўл линиясини қуриш” лойиҳасининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиб, қурилиш ишларини бошласин.
6. Транспорт вазирлиги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш доирасидаги лойиҳаларни (жумладан, инфратузилмани ривожлантириш ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш) молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
7. Транспорт вазирлиги Тошкент давлат транспорт университети билан биргаликда **2026 йил 1 июнга қадар** республика ҳудудлари ўртасида йўловчи оқимини ўрганиб, темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортида йўловчи ташувларини ўзаро уйғунлаштирувчи комплекс ривожланиш стратегиясини, заруратга кўра, хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин.
8. Белгилансинки:
- (а) ушбу қарорнинг 3-иловасидаги лойиҳалар, заруратга кўра, хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда белгиланган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳани баҳолаш ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда лойиҳалар доирасида харид қилинадиган ҳаракат таркиблари, шунингдек, товар ва хизматлар бўйича шартномалар ўрнатилган тартибда “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда экспертизадан ўтказилади;
- (б) Вазирлар Маҳкамасига лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари натижаларига асосан ушбу қарорнинг 3-иловасидаги лойиҳалар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда ўзгартириш киритиш ваколоти берилсин.

9. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2026 йил якунига қадар:

- (а) 2023–2024 йиллар учун ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти талаблари асосида ташқи аудитдан ўтказиш;
- (б) халқаро капитал бозоридан давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятини яратиш мақсадида халқаро кредит рейтингини олиш;
- (в) жамият ва тизим корхоналарида харидларни тартибга солишга қаратилган “Ғазначилик тўлови” тизимини жорий этиш;
- (г) 2025 йил учун харид жараёнларини форензик аудитдан ўтказиш;
- (д) юкларни ташишда вақтни тежаш ҳамда магистрал йўлнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида юк поездларининг йўналиш бўйича чекланган тезлигини 30 км/соатдан 50 км/соатга ошириш;
- (ж) темир йўл чипталарини сотишда автоматлаштирилган ҳамда онлайн сотиш тизимига ўтишни тўлиқ якунлаш;
- (з) жамият ва тизим корхоналари даромадларини ошириш, харажатларни мақбуллаштириш ва бошқарувни самарали йўлга қўйиш ҳамда хорижий тажриба асосида янги тариф методологиясини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

10. Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда мавжуд автомобиль ва темир йўл кесишмаларида янги йўл ўтказгичларни барпо этиш дастурини **уч ой муддатда** ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда юқоридаги дастурда назарда тутилган тадбирларни ҳар йилги Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилсин.

11. Транспорт вазирлиги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда **2026 йил 1 майга қадар “Тошкент–Самарқанд йўналишида алоҳида ажратилган икки йўлли юқори тезликдаги темир йўл магистралини қуриш”** лойиҳасининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Энергетика вазирлиги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида электр энергияси истеъмолига бўлган талабни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда мунтазам равишда ташқи электр таъминоти учун электр узатиш тармоғи ва подстанцияларни модернизация қилиб бориш чораларини кўрсин.
13. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ **2026 йил якунига қадар** “8 та тезюрар электропоездларни харид қилиш” лойиҳасини молиялаштириш манбаларига аниқлик киритган ҳолда мазкур лойиҳанинг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
14. Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда **икки ой муддатда** Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Навоий ва Қўқон шаҳарларида жойлашган темир йўл вокзаллари инфратузилмасини **давлат-хусусий шериклик асосида** ривожлантириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
15. Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖнинг 90 фоиз акциялар пакетини ишончли бошқарувга бериш тўғрисидаги битимни кейинчалик босқичма-босқич хусусийлаштириш шарти билан 1 йилга узайтирсин.

III. Темир йўл транспорти ҳаракат таркибини янгилаш

16. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар томонидан локомотив паркини янгилаш мақсадида харид қилинадиган 2 та йўловчи тепловоз ва 10 та электровоз, шунингдек, “50 та манёвр локомотивларини харид қилиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товарлар технологик ҳужжатлар бўйича етказиб бериш ва кафолат муддати якунлангунга қадар импорт божхона божидан озод этилсин ҳамда жамият таркибидаги корхоналарга қўшилган қиймат солиғини белгиланган тартибда 120 кунга кечиктириб тўлашга рухсат берилсин.

17. Мазкур қарорнинг 3-иловасида келтирилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси **2026–2027 йилларда 10 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставкада** “200 та йўловчи вагонлар таркибини янгилаш” лойиҳаси доирасида **143 млн АҚШ доллари миқдоридаги** кредит маблағларини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар кафиллиги асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга ажратсин;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мурожаати келиб тушган вақтдан бошлаб **бир ой муддатда** тегишли ер участкалари уларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарга бепул ижарага бериш учун Давлат активларини бошқариш агентлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин. Бунда тегишли ер участкалари тоифаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан тегишли тоифага ўзгартириш бўйича таклифлар Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритилсин;

(в) қурилиш ҳудудига тушган муҳандислик-коммуникация тармоқлари (электр, табиий газ, ичимлик суви ва оқова сув, алоқа, ерости ва ерусти **ирригация** тармоқлари) тегишли тармоқ ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан бошқа ҳудудларга кўчирилсин.

18. “Шовот–Қораўзак янги темир йўл линиясини қуриш” ва “Навоий–Бухоро электрлаштирилган иккинчи темир йўл линиясини қуриш” лойиҳалари доирасида ажратилган ер участкалари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар ундирилмайди ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ устав фондидаги давлат улушини ошириш орқали ҳисобга олинади.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

- 19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–329-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- 20.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.Ж. Рамамов ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.
- 21.** Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2026-2030 йилларда темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантиришнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Бирлик	2026–2030 йиллар	Жумладан йиллар кесимида:				
				2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Ташиладиган йўловчилар сони	млн йўловчи	85,6	12,0	13,1	16,1	20,9	23,5
2.	Ташкил этиладиган янги йўналишлар	та	13	1		1	3	8
3.	Янги қуриладиган тўхташ бекатлари	та	30	4	4	5	7	10
4.	Юқори тезликда ҳаракатланувчи электрпоездларни харид қилиш	дона	6	6				
5.	Тезюрар электрпоездларни харид қилиш	дона	8			4	4	
6.	Шаҳар атрофида ҳаракатланувчи замонавий электрпоездларни харид қилиш	дона	20			5	6	9
7.	Йўловчи ташиш вагонларини харид қилиш	дона	200	40	40	40	40	40
8.	Локомотивларни харид қилиш	дона	50	10	10	10	10	10

**2026-2030 йилларда маҳаллий йўналишларда электропоездлар ҳаракати амалга ошириладиган йўналишлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Йўналишлар	Янги электропоездлар сони	Масофа (км)	2026–2030 йилларда жами ташилиши режалаштирилган йўловчи сони (минг йўловчи)	жумладан, йиллар кесимида:				
					2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти									
1.	Тошкент–Чирчиқ– Чиноркент	2	79	2 573	343	365	435	698	732
2.	Тошкент–Байтқўрғон– Паркент*	1	60	909	124	124	171	239	251
3.	Тошкент–Янгийўл–Чиноз– Сирдарё–Гулистон–Янгиер– Ховос–Бекобод	1	183	511			129	180	202
4.	Тошкент–Нурафшон– Пискент–Бўка–Янгиер– Ховос–Бекобод*	1	154	414					414
5.	Тошкент–Нурафшон– Оҳангарон–Ангрен*	2	116	518				239	279
6.	Тошкент–Келес*	1	32	548				268	280
7.	Тошкент–Янгийўл–Чиноз– Сирдарё–Гулистон	1	112	1 200	132	132	204	357	375

Т/р	Йўналишлар	Янги электрпоездлар сони	Масофа (км)	2026–2030 йилларда жами ташилиши режалаштирилган йўловчи сони (минг йўловчи)	жумладан, йиллар кесимида:				
					2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари									
8.	Қўқон–Поп–Наманган– Андижон–Марғилон– Қўқон*	4	191	2 430			458	962	1 010
Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари									
9.	Самарқанд–Ургут*	1	54,9	802				359	443
10.	Навоий–Зарафшон– Учқудуқ**	1	288	242					242
11.	Самарқанд–Бухоро*	2	248,3	680					680
12.	Самарқанд–Жиззах*	1	100	253					253
13.	Самарқанд–Қарши– Шаҳрисабз*	2	257	250					250
14.	Жиззах–Дўстлик–Айдар Арнасой кўли**	1	98	110					110
Сурхондарё вилояти									
15.	Термиз–Қумқурғон– Бойсун–Дарбанд*	1	152	212					212
16.	Термиз–Қумқўрғон– Сариосиё	2	147	2 162	115	115	609	639	684

Т/р	Йўналишлар	Янги электрпоездлар сони	Масофа (км)	2026–2030 йилларда жами ташилиши режалаштирилган йўловчи сони (минг йўловчи)	жумладан, йиллар кесимида:				
					2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти									
17.	Урганч–Мискин–Тўрткўл– Беруний–Қораўзак–Нукус	1	276	783	62	62	115	240	304
18.	Нукус–Шовот–Урганч– Хива**	1	182	231					231

Изоҳ:

**янги ишга тушириладиган йўналишлар;*

***мазкур йўналишда йўловчи ташиш тепловоз орқали амалга оширилади, электрпоездлар ҳаракати келгусида лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги тасдиқланган тақдирда ташкил этилади.*

Транспорт вазирлиги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда келгусида мазкур йўналишларнинг иқтисодий самарадорлигини мунтазам равишда таҳлил қилган ҳолда ушбу йўналишларга ўзгартиришлар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

**2026-2030 йилларда темир йўл транспортида йўловчи ташиш инфратузилмасини
ривожлантириш ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш
ДАСТУРИ**

млн долл.

T/p	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа умумий қиймати	2026–2030 йилларда маблағларни ўзлаштириш	Ўз маблағлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари
ЖАМИ				811,7	811,7	668,7	143
Ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳалари							
1.	Йўловчи вагонлар таркибини янгилаш	200 дона	2026–2030 йй.	143	143		143
2.	“CRRC Dalian Co., Ltd.” компаниясидан маневр локомотивларни харид қилиш	50 дона	2026–2030 йй.	97,8	97,8	97,8	
3.	Электрпоездлар харид қилиш	20 та электрпоезд	2026–2030 йй.	313,3	313,3	313,3	
4.	“CRRC Zhuzhou Locomotive” компанияси билан тузилган шартнома доирасида қўшимча равишда 2 та йўловчи тепловози ва 10 та электровозларни харид қилиш	12 дона	2026–2030 йй.	62,0	62,0	62,0	
Темир йўл транспортида йўловчи ташиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари							
5.	“Тўқимачи” бекатида электрпоездларни техник кўриқдан ўтказиш депосини қуриш	объект	2026–2028 йй.	11,0	11,0	11,0	

Т/р	Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа умумий қиймати	2026–2030 йилларда маблағларни ўзлаштириш	Ўз маблағлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари
6.	“Чоштепа”, “Шахристон” ва “Турон” метро бекатлари ёнида темир йўл тўхташ пунктларини қуриш	объект	2026 й.	1,2	1,2	1,2	
7.	Ховос–Даштобод электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш	28 км	2026–2027 йй.	17,5	17,5	17,5	
8.	Қумқўрғон–Қудуқли темир йўл линиясини электрлаштириш	81 км	2026–2028 йй.	80,0	80,0	80,0	
9.	Ангрен–Поп темир йўл участкаларини модернизация қилиш	123 км	2028–2030йй.	15,0	15,0	15,0	
10.	Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон темир йўл участкасини модернизация қилиш	223 км	2028–2030 йй.	25,0	25,0	25,0	
11.	Дўстлик–Айдар Арнасой кўли темир йўлини қуриш	44,5 км	2026–2027 йй.	45	45	45	
12.	“Нурафшон–Пискент–Бўка–Янгиер йўналишида темир йўл линиясини қуриш” лойиҳасининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатини ишлаб чиқиш	111 км	2026 й.	0,5	0,5	0,5	
13.	“Қарши–Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳасининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатини ишлаб чиқиш.	159 км	2026 й.	0,4	0,4	0,4	

Изоҳ: ушбу Дастурдаги лойиҳаларнинг лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тасдиқлангандан сўнг лойиҳа параметрлари ва қиймати ўзгариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–391-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги
“Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ
қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–329-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-илова қуйидаги мазмундаги 9-позиция билан тўлдирилсин:
“

9.	“Темир йўл ижтимоий хизматлар” МЧЖни молиявий соғломлаштириш, харажатларини мақбуллаштириш ҳамда замонавий бошқарув тизимини жорий этиш.	1. Жамият таркибидаги Марказий поликлиникани жамият таркибидаги Марказий клиник касалхона таркибига ўтказиш. 2. Бир-бирини такрорловчи штат бирликлари ва харажатларни мақбуллаштириш.	2026 йил январь- февраль 2026 йил январь- февраль	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
----	---	--	--	----------------------------------

2. 8-илованинг 2-позицияси чиқариб ташлансин.

